



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

**Выпуск №25 (том 6)
(апрель, 2022)**



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №25 (том 6) (апрель,
2022). Дата выхода в свет: 30.04.2022.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрин Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент

СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
ДОПОЛНИТЕЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ	
ФОРМИРОВАНИЕ АКТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ Халиков Давлат Рахмат угли	28
YANGI O‘ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK SUB’EKTLARINI QO‘LLAB- QUVVATLASHDA MIKROKREDITLAR NAJMINI OSHIRISH ORQALI ULARNING MOLYAVIY BARQARORLIGINI TA’MINLASH OMILLARI Usmonov Elmurod Dilmurod o‘g‘li, Olimova Durdonaxon Shuhratbek qizi	34
АНАЛИЗ ВИБРОЗВУКО-ПОГЛАЩАЮЩИХ СВОЙСТВ КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ПОКРЫТИЙ ИЗ НИХ Бурхон Тургунович, Умаров Содикжон Ахмадали угли	39
СЫНЫПТАН ЖӘНЕ МЕКТЕПТЕН ТЫС ТӘРБИЕ ЖҰМЫСТАРЫНЫҢ МАҚСАТ ЖӘНЕ МІНДЕТТЕРІ Аралова Дилафруз Душабой кызы, Дауирбекова Зарема Маркабай кызы, Анарбекова Феруза Абдумавлон кызы	49
ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ҒОЯСИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ Бахронов Бахриддин Бўриевич	53
ВЛИЯНИЕ ТВОРЧЕСТВА И.С. ТУРГЕНЕВА НА РАЗВИТИЕ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ XIX ВЕКА Касимов Азиз Бердимуратович, Тухтаева Лаура Рустамовна	58
ИЗУЧЕНИЕ ТРИБОТЕХНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ И ПОЛИМЕРНЫХ ПОКРЫТИЙ НА ИХ ОСНОВЕ Хаминов Бурхон Тургунович, Умаров Содикжон Ахмадали угли	64
ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН Исанов Абдумажит Парманович	71
KULOLCHILIK SAN’ATI VA TARIXI Abduqahhorova Gulnora Qahramon qizi	78
РАЗВИТИЕ КОНСТРУКТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ В 3D ТЕХНОЛОГИЯХ Мухитдинов Абдувахоб Абдувалиевич	81

МЕТОДЫ ПРОЕКТНОГО ОБУЧЕНИЯ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ФОРМИРОВАНИИ ИНТЕРЕСА СТУДЕНТОВ К НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ Мухитдинов Абдували Бурхонович	87
PEDAGOGLIK KASBI VA UNGA YARATILAYOTGAN BUGUNGI KUN IMKONIYATLARI Nuraliyeva Dilshoda Yo'lichiboy qizi, Xatamova Rashida Zakirjanovna, SHodmanov Qodirjon Odilxanovich	94
ШАХСДА РЕФЛЕКСИЯ ДАРАЖАЛАРИНИНГ ЎСИБ БОРИШ ДИНАМИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ Рамазонов Жаҳонгир Жалолович	100
РАСХОД ТОПЛИВА И СМАЗОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ Назаров Асрор Алланазарович	108
ПЕДАГОГ КАСБИНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ВА АХЛОКИЙ ТАЛАБЛАРИ Рўзиева Кимёхон Илхомовна	111
СОСТОЯНИЕ ВОПРОСА ОБЕЗВОЖИВАНИЯ АВТОТРАКТОРНЫХ МАСЕЛ Назаров Асрор Алланазарович	116
TEKNOLOGIK JARAYONLARNI TARTIBGA SOLISH ORQALI MAHSULOT SIFATINI TA'MINLASH G. J. Qulmurotov, B. B. Saparov	119
ЭЛЕМЕНТЫ НАРОДНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПОВЕСТИ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА «БЕЛЫЙ ПАРОХОД» Элёр Абдулвохидов, Мехрибону Акрамхонова	125
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ РАЗВИВАЮЩИХ КОМПЬЮТЕРНЫХ ИГР В ОБУЧЕНИИ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ШКОЛЫ (МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ) Уразбаева Паршагул Сарсенбаевна, Сапарова Саулат Бердибаевна	134
ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ БОЛА ТАРБИЯСИДА ИРСИЯТ, ИЖТИМОЙ МУҲИТ ВА ТАРБИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА Таштемирова Надира Неъматиллаевна	140
ЗАМОНАВИЙ ЎСМИРЛАРДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ Шермухаммедова Муниса, Абдурахмонова Зухра Эркиновна	147
LIDERLIK NAM MAHURAT Javlon Rustamov Bozor o'g'li	152
O'ZBEK TILI RASMIY USLUBIGA OID ILK MANBALAR Norqulov Fazliddin Allamurod o'g'li	157

ФИО автора: *Рамазонов Жаҳонгир Жалолович*

Бухоро давлат университети таянч докторанти.

Название публикации: «ШАХСДА РЕФЛЕКСИЯ ДАРАЖАЛАРИНИНГ ЎСИБ БОРИШ ДИНАМИКАСИНинг ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ»

***Аннотация:** Мазкур мақолада шахснинг рефлексия даражаларининг ўсиб бориш динамикаси, шахс ўзини психологик бошқаришининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳақида назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** шахс хусусиятлари, талабалик даври, ўзини ўзи бошқариш, мотивацияси, рефлектор, руҳий ҳолатлар, руҳий жараёнлар, хулқ-атвор, трансформация.*

Инсоннинг хулқ-атвори ўзгарувчан ва ранг-баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос «услуглари»нинг мавжудлиги ҳеч қачон ва ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ бу хулқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро инсонларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро муносабати, характер хусусиятлари, темпраментал сифатлари уларни турли ижтимоий гуруҳларга бирикуви, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир. Қолаверса, ҳар бир жамият ўзининг қатъий белгиланган ижтимоий хулқ-атвор дастурлари тизимига ва жамоатчилик фикри, одатлар, ахлоқий тамойиллар, анъаналар кучига таянувчи хулқ-атвор қоидаларига эга. Унга мувофиқ равишда шахснинг ўзини ўзи идора қилишга бўлган ҳар қандай ҳаракати «тўғри» ёки «нотўғри», «яхши» ёки «ёмон» деб тавсифланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган психологик тузилмаларга асосланиб, ўз тадқиқотимизда талаба-ёшларнинг ўзини ўзи идора қилиш мотивациясини тадқиқ қилишнинг ижтимоий-психологик мезонлари тизими ишлаб чиқилди ва шу тизим асосида талаба-ёшлар орасида ўзини ўзи идора қилиш даражаларини ўргандик, таҳлил қилдик ва тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Биз ушбу тадқиқотда ўзини ўзи идора қилиш ва индивидуал-психологик ҳолатлар орасидаги ўзаро боғлиқликнинг очиб беришга ҳаракат қилдик.

Психология фанида эмоционал ҳолатларнинг субъект назоратида бўлиши ўз тасдиғини топган. Эмоционал ҳолатларнинг жадал тараққиёти ўзини ўзи идора қилишнинг кучсизлиги билан кечади. Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи идора қила олмаслик турли кўринишдаги салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Тегишли илмий адабиётлар таҳлили ва ўз кузатишларимизга асосланган илмий мулоҳазаларимиз бугунги кунда талаба-ёшларнинг ўзини ўзи идора қилиш муаммосини ижтимоий-психологик омилларини атрофлича тадқиқ қилишни тақазо қилмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки психологик адабиётларда шахснинг ўзини ўзи идора қилиш муаммосини аниқлашга қаратилган жуда кўплаб усуллар мавжуд. Биз шулар ичидан барчага маълум бўлган А.В.Карповнинг “Рефлексивлик ривожланиш даражаси”ни диагностика қилиш методикаси, “Шахс иродавий сифатларини ўрганиш” методикасининг модификацион варианты (В.М.Чумаков томонидан ишлаб чиқилган), “Эмоционал ҳолатларда ўзини ўзи назорат қилиш методикаси” (Г.С.Никифоров, В.К.Васильев ва С.В.Фирсовалар томонидан ишлаб чиқилган) дан фойдаланилди.

Мазкур методлар орқали шахсдаги эмоционал-иродавий хусусиятларни ўзини ўзи идора қилишга бўлган таъсирини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш мумкин.

Дастлабки диагностик методикамиз бу - “Шахсдаги рефлексия даражаларини ўрганиш методикаси” бўлиб, ушбу методика рус психологи Анатолий Викторович Карпов томонидан ишлаб чиқилган.

Рефлексия (лотинча акс эттириш) - инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши. Кишини киши томонидан идрок қилинишини иккиланган ойнадаги акс эттиришга ўхшатиш мумкин. Одам бошқа кишини акс эттирар экан, шу билан бирга ўзини ҳам акс эттиради, агар киши ўзи мулоқотга киришадиган кишилар ҳақида тўлиқ, илмий асосланган ахборотларга эга бўлса, улар билан беҳато аниқликда ўзаро таъсир ўрнатиши мумкин. Бироқ субъект ҳамма вақт ҳам бундай аниқ

маълумотга эга эмас. Шунинг учун у бошқалар хатти-ҳаракатининг сабабларини ўйлаб чиқишга мажбур бўлади. Бошқа кишининг ҳаракатларини тушунтириш учун фаолият мотивлари, ҳис-туйғулар, интилиш ва фикрлашнинг ўйлаб чиқарилиши каузал атрибуция деб аталади.

Рефлексивлик - бу шахснинг ўз “мен” лигидан ташқарига чиқиш, фикрлаш, ўрганиш, “мен” тимсолини бирон-бир воқеа ёки ходисалар билан таққослаш, таҳлил қилиш қобилиятидир. Рефлексивлик, импульсивликдан фарқли ўлароқ, шахсларнинг фаолиятга киришишидан олдин ички равишда барча гипотезаларни кўриб чиқадиган, уларга нотўғри туюлган нарсаларни ташлаб, "муаммони" ҳал қилишнинг турли вариантларини ҳисобга олган ҳолда, атайлаб, эҳтиёткорлик билан қарор қабул қиладиган одамларни характерлайди. Ушбу методика 27 та саволдан иборат бўлиб, шулардан 15 таси тасдиқ, 12 таси эса инкор шаклида тузилган. Натижалар уч асосий категорияга ажратилган ҳолда интерпритация қилинади. Агар натижа 7 та тасдиққа тенг ёки ундан катта бўлса усул натижалари юқори даражада ривожланган рефлексивликни кўрсатади.

Рефлексия - бу шахснинг ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини тушунишга қаратилган ички ақлий фаолияти; инсоннинг ўз маънавий дунёсини ўзи билиши;

Рефлексивлик методининг умумий талқини ушбу хусусиятнинг бошқа бир қатор муҳим хусусиятларини белгиловчи назарий материалга асосланади. Ушбу фикрларни қуйидаги баёнотларда умумлаштириш мумкин:

Рефлексивлик психик хусусият сифатида акс эттириш билан боғлиқ бўлган интегратив руҳий воқеликнинг асосий қирраларидан биридир.

Натижаларни шарҳлашда учта тоифага асосланилади. 7-чегарадан юқориси рефлексивликнинг юқорилигини, 4-7 чегаралар ўртача кўрсаткични, 1-4 чегаралар эса рефлексивликнинг паст даражасини билдиради.

2.1. жадвал

Жавоблар кўриниши	Тўғри тасдиқ	Тескари тасдиқ
Мутлақо нотўғри	1 балл	7 балл
Нотўғри	2 балл	6 балл
Нотўғри бўлса керак	3 балл	5 балл
Билмадим	4 балл	4 балл
Тўғри бўлса керак	5 балл	3 балл
Тўғри	6 балл	2 балл
Мутлақо тўғри	7 балл	1 балл

Баллар қуйидагича тақсимланади:

Тўғри тасдиқ - 1, 3, 4, 5, 9, 10, 11, 14, 15, 18, 19, 20, 22, 24, 25.

Тескари тасдиқ - 2, 6, 7, 8, 12, 13, 16, 17, 21, 23.

Натижалар интерпритацияси:

Баллар оралиғи	80 гач а	10 0	101 - 107	108 - 113	114 - 122	123 - 130	131 - 139	140 - 147	148 - 156	157 - 171	172 ва ундан юқор и
Тасдиқла р	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

8 дан 10 гача бўлган тест бўйича юқори натижалар, яъни 7 дан ортик миқдор шуни кўрсатадики, бундай инсонлар ўз фаолияти ва бошқа кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга, уларнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ҳаракатларининг сабаб ва оқибатларини аниқлашга ўта мойил бўлади. Бундай шахслар асосан воқеа ва ходисаларнинг кичик деталаригача батафсил ўйлаш истагида бўлишади, уларни оқибатларини олдиндан таҳлил қилади ҳамда ўз ҳатти-ҳаракатларини доимий тарзда диққат билан режалаштиришади.

Бундай одамлар асосан, бошқа шахсларни тушуниши, ўзини унинг ўрнига қўйиши, унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан тахмин қилиши ва шахсларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурларини башорат қила олиш лаёқатига эга бўлишади.

Ўртача тест натижалари 4 тадан 7 тагача устунлар оралиғида бўлади.

1 дан 3 гача бўлган тест бўйича паст натижалар, яъни 4 та устундан кам бўлиши, шахслардаги воқеа ҳодисалар қандай юз бергани, хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарган сабаблар ва уларнинг оқибатлари ҳақида кўпроқ ўйлаши мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, А.Карпов томонидан ишлаб чиқилган “Рефлексия даражаларини аниқлаш” методикаси орқали биз қуйидаги хусусиятларни аниқлашимиз мумкин.

1. Вазиятли рефлексия
2. Ретроспектив рефлексия
3. Перспектив рефлексия

Вазиятли рефлексия - вазиятли акс эттириш, ҳақиқий вазиятда инсон хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолатнинг намоён этилишида бевосита ўзини ўзи идора қилиш, унинг таркибий қисмларини тушуниш, таҳлил қилиш ва субъектнинг ўз ҳаракатларини вазиятга боғлаш, уларни ўзгарувчан шароит ва ўз ҳолатига мос мувофиқлаштириш қобилиятини таъминлайди.

Ретроспектив рефлексия - ўтмишда содир бўлган ҳодисаларни таҳлил қилиш тенденциясида намоён бўлади. Ушбу ҳолатда ретроспектив рефлексияни предмети сифатида шарт-шароит, бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти, ўтмишда қилинган хатолар ва мотивлари ташкил этади.

Перспектив рефлексия - келгуси фаолиятни, хулқ-атворни таҳлил қилиш, режалаштириш, фаолият натижаларини башоратлаш ва бошқа шунга ўхшаш функцияси билан ўзаро боғлиқдир.

Перспектив рефлексия хулқ-атвор хусусиятлари - ўз хатти-ҳаракатлари тафсилотларини пухта режалаштириш, келажакдаги ҳодисаларга бўлган муносабат динамикасининг намоён этилишини белгилайди.

2.2. жадвал

Талаба-ёшларда рефлексия даражалари намоён бўлишининг умумий кўрсаткичлари

Талаба-ёшларда рефлексия даражалари	Респондентлар сони n=610	%
Юқори	149	24,5
Ўрта	240	39,3
Қуйи	221	36,2


Рефлексия шахсининг ўзини ўзи англаши билан яқин қўйилади ва ўзининг яхлит — Мен образини тузиш, ички дунёсининг тузилиши ва мазмунини очишга йўналтирилган субъектнинг ўзини ўзи билиш жараёнидир. Рефлексия мета когнитив жараён сифатида инсон тафаккурининг тамойили бўлиб шахсий шакл ва имкониятларини тушуниш ва англаш, унинг мазмуни, методи ва билиш натижаларини танқидий таҳлил қилишдан иборат ёки бошқача қилиб айтганда ўз тафаккурининг асоси ҳақида ўйлаш қобилиятидир [177; 282-б]. Олинган маълумотлар таҳлиliga назар ташлайдиган бўлсак, умумий ҳисобда барча респондентлардан олинган энг юқори натижа бу рефлексиянинг ўрта даражаси бўлиб, талаба-ёшларнинг 240 (39,3 %) таси ушбу даражага мансублиги аниқланди. Энг қуйи кўрсаткич эса 221 (36,2 %) тани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, талаба-ёшлардаги рефлексия даражалари нисбатан коррекция ишларини олиб боришни талаб этади.

2.3. жадвал

Талаба-ёшлар рефлексия даражалари намоён бўлишининг гендер-киёсий кўрсаткичлари

№	Рефлексия даражалари	Йигитлар n=320	фоизи	Қизлар n=290	фоизи
1.	Ситуатив рефлексия	78	24,4	49	16,8

2.	Ретроспектив рефлексия	108	33,7	128	44,3
3.	Перспектив рефлексия	134	41,9	113	38,9
	Жами:	320	100	290	100



2.1. расм. Талаба-ёшларда рефлексия даражалари намоён бўлишининг динамик кўрсаткичлари

Энди, бевосита рефлексия даражаларининг гендер тафовутларига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда 3 та рефлексия даражаларидан йигитларда “ситуатив рефлексия” 24,4 фоизни, “ретроспектив рефлексия” 33,7 фоизни, “перспектив рефлексия” эса 41,9 фоизни ташкил этди. Ушбу методика натижалари қизларда куйидагича намоён этилди. Бунда, “ситуатив рефлексия” 16,8 фоиз, “ретроспектив рефлексия” 44,3 фоиз, “перспектив рефлексия” 38,9 фоизга мансуб эканлиги аниқланди. Ушбу таҳлиллар шуни ангалатадики, йигитларда рефлексиянинг энг юқори кўрсаткичи 41,9 % ни (“перспектив рефлексия”), энг паст кўрсаткич эса 24,4 % (“вазиятли рефлексия”) кўрсатган бўлса, қизларда эса энг юқори кўрсаткич 44,3 % (“ретроспектив рефлексия”), энг паст кўрсаткич 16,8 % ни (“вазиятли рефлексия”) намоён этди. Бу шундан далолат берадики,

йигитларда қизларга нисбатан келгуси фаолиятни, хулқ-атворни таҳлил қилиш, режалаштириш, фаолият натижалари гиппотеза қилиш ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятлар устунлик қилар экан. Қизларда эса йигитларга нисбатан ўтмишда содир бўлган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти, ўтмишда қилинган хатолар ва шунга ўхшаш хусусиятлар доминант эканлиги аниқланди. Келтирилган кўрсаткичлар асосида талаба-ёшларда ўзини ўзи назорат қилиш даражаси нисбатан паст миқдорларда эканлигини кўришимиз мумкин. Бу, бизнингча, талаба-ёшлар турли ташқи таъсирларга, атрофдаги инсонлар жамоаси билан ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўзи билан ўзи мурося қила олмаслик натижасида юзага келадиган турли кўринишдаги зиддиятли нохуш ҳолатларга нисбатан салбий жавоб реакциясини намоён қилиниши билан боғлиқ бўлса керак. Шунини таъкидлаш керакки, эмоционал ҳолатлар қандай даражада намоён бўлиши, умумий асаб тизими ва индивидуал психологик хусусиятларга боғлиқлиги талаба-ёшларда, айниқса, яққол ифодаланади.

Адабиётлар:

1. Моросанова, В.И. Стилевая саморегуляция поведения человека [Текст] / В.И.Моросанова, Е.М. Коноз // Вопросы психологии. - 2000. - № 2. - С. 118 — 127.
2. Зарипова, Г. К., & Рамазонов, Ж. Ж. (2019). Информационная безопасность (обязанности). Научные исследования, (1 (27)).
3. Ramazonov, J. J. (2021). THE ROLE OF SELF-GOVERNANCE IN PROVIDING PERSONAL PERFECTION. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.
4. Рамазонов, Ж. Д. (2021). ЎЗИНИ ЎЗИ ИДОРА ҚИЛИШ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА. Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали, 1(4), 51-57.
5. Ramazonov, J. (2021). Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Psychological Conditions. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).
6. Рамазонов, Ж. Ж. (2021). ЎЗИНИ ЎЗИ ИДОРА ҚИЛИШ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА. Scientific progress, 2(4), 306-314.